

**ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.26/30.12.2019.Т.11.01РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ**

**РАШИДОВ ЖАСУР ҒАЙРАТ ЎҒЛИ**

**БИНОЛАРНИ КЎП ҚАТЛАМЛИ ЕНГИЛ ТЎСИҚ  
КОНСТРУКЦИЯЛАРИНИ ТОВУШ ИЗОЛЯЦИЯСИНИ ОШИРИШ**

**05.09.01 -Қурилиш конструкциялари, бино ва иншоотлар**

**техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертация  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии(PhD) по  
техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
on technical sciences**

**Рашидов Жасур Гайрат ўғли**

Биноларни кўп қатламли енгил тўсиқ

конструкцияларини товуш изоляциясини ошириш.....3

**Рашидов Жасур Гайрат угли**

Повышение звукоизолирующей способности многослойных легких

ограждающих конструкций зданий .....23

**Rashidov Jasur Gayrat ugli**

Upgrading the soundproofing ability of multilayer lightweight

enclosing structures of buildings .....43

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works .....47

**ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.26/30.12.2019.Т.11.01РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ**

**РАШИДОВ ЖАСУР ҒАЙРАТ ЎҒЛИ**

**БИНОЛАРНИ КЎП ҚАТЛАМЛИ ЕНГИЛ ТЎСИҚ  
КОНСТРУКЦИЯЛАРИНИ ТОВУШ ИЗОЛЯЦИЯСИНИ ОШИРИШ**

**05.09.01 -Қурилиш конструкциялари, бино ва иншоотлар**

**техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.4.PhD/T1220 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент архитектура-қурилиш институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)), Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.taqi.uz](http://www.taqi.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида [www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Пирматов Раҳматулло Ҳамидуллаевич**  
техника фанлари номзоди, доцент

**Расмий оппонентлар:**

**Ҳоджаев Аббос Агзамович**  
техника фанлари доктори, профессор

**Ювмитов Анвар Сайфуллаевич**  
техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)


**Етакчи ташкилот:**

**Жиззах политехника институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент архитектура-қурилиш институти ҳузуридаги DSc.26/30.12.2019.Т.11.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «30» ноябрь соат 12<sup>30</sup> да архитектура факультетининг мажлислар залида бўлиб ўтади (Манзил: 100011, Тошкент ш., Абдулла Қодирий кўчаси, 7в-уй. Тел.: (99871) 241-10-84; факс: (99871) 241-80-00, e-mail: [devon@taqi.uz](mailto:devon@taqi.uz), [taqi\\_atm@edu.uz](mailto:taqi_atm@edu.uz)).

Диссертация билан Тошкент архитектура-қурилиш институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ 65 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100084, Тошкент ш., Кичик Халқа йўли кўчаси, 7-уй. Тел.: (+99871) 235-43-30; факс: (+99871) 234-15-11, e-mail: [taqi\\_atm@edu.uz](mailto:taqi_atm@edu.uz)). факс: (99871) 241-80-00, e-mail: [taqi\\_atm@edu.uz](mailto:taqi_atm@edu.uz)).

Диссертация автореферати 2021 йил «12» ноябрь куни тарқатилди.  
(2021 йил «16» октябрдаги 6 - рақамли реестр баённомаси).

  
**Х.А. Акрамов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор  
**А.Т. Хотамов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.д., доцент  
**Б. Аскарлов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон қурилиш амалиётида сўнгги пайтларда массаси кичик ва юқори товуш изоляциялаш хусусиятларига эга бўлган ташқи ва ички тўсиқ конструкциялардан бўлган бинолар сони ортиб бормоқда, бу иморатларнинг материал сарфини сезиларли даражада камайтириши ҳамда хоналарнинг қулайлик даражасини ошириш имконини беради. Ривожланган мамлакатларда, шу жумладан, Финляндия, АҚШ, Буюк Британия, Япония, Германия, Россия, Италия ва Хитой каби давлатларда янги самарали товуш ўтказмайдиган материаллар яратишга, товуш тўлқинларининг тўсиқ орқали тарқалишини тадқиқ қилишга ҳамда енгил тўсиқ конструкцияларнинг товуш ўтказмаслик хусусиятларини ошириш мақсадида конструктив ечимини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Дунёда турли хил назарий ва экспериментал усуллардан фойдаланган ҳолда, ташқи товуш тўлқинларининг ўтиши пайтида, тўсиқ конструкцияларни юпқа қатламларининг резонансли тебранишларининг юзага келиши мумкинлигини ўрганишга қаратилган илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Шу билан бирга, меъёрий қийматлар билан таққосланадиган енгил кўп қатламли тўсиқ конструкциялар орқали ҳаво шовқини изоляциясининг частотали тавсифларини аниқлаш муҳим бўлиб қолмоқда, бу уларнинг акустик ҳисоблаш усулини такомиллаштириш имконини яратади.

Ўзбекистон Республикасида бино ва иншоотларни қуришда ҳар бир алоҳида хона учун юқори даражадаги қулайликни таъминлашга қаратилган янги енгил тўсиқ конструкцияларини яратиш, илғор технологиялар ва самарали материалларни жорий этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу туфайли мазкур вазифаларни амалга оширишда, ҳаво шовқинидан изоляция даражасини ошириш муҳим масалалардан бири бўлиб, бунга товуш ўтказиш йўлида қўшимча тўсиқлар яратишни ҳисобга олган ҳолда, енгил кўп қатламли тўсиқ пардадеворларнинг конструктив ечимини такомиллаштириш орқали эришиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йил 7-февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” Фармони, 2017 йил 8 августдаги ПҚ-3182-сон “Худудларни жадал ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни таъминлашга доир устувор чора-табирлар тўғрисида”, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 13 мартдаги ПФ-5963-сон “Ўзбекистон Республикасининг қурилиш соҳасида ислохотларни чуқурлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги қарорларда ҳамда мазкур фаолиятга тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда, ушбу диссертация тадқиқоти муайян ва керакли даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот

республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. «Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик» устувор йўналишлари доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ҳаводаги шовқин изоляциясини ҳисоблашнинг асосий усуллари ишлаб чиқиш ва акустик қулайлик муаммоларини оқилона ечиш изланишларини йирик тадқиқотчилар, жумладан: В.И. Заборов, Г.Л. Осипов, И.И. Боголепов, В.М. Спиридонов, Б.И. Климов, И.И. Клюкин, М.С. Седов, А.В. Захаров, В.Г. Крейтан, Р.Ю. Маракаев, Р.Х. Пирматов, Р.А. Кучкаров, А.А. Кочкин, А.В. Гречишкин, В.М. Разживин, У.Т. Гулов, Д. Рузиев, R.J. Craik, T. Matsumoto, A. Dijkmans, V. Hongisto, A. Santoni, J.L. Davy, F. Ljunggren, X. Zhang ва бошқалар шуғуланиб, ушбу тадқиқотлар йўналишида салмоқли илмий ишларни бажарганлар.

Бажарилган илмий тадқиқот ишларининг таҳлили шуни кўрсатдики, кўп қатламли енгил пардеворларнинг конструктив ечимлари 63-250 ва 2000-2500 Hz частоталарда товуш ўтказмаслик қобилиятга эга эмас. Бундан ташқари, олимларнинг ҳаво шовқини изоляциясини ҳисоблашнинг муҳандислик усулини ишлаб чиқишга ҳамда юпқа қатламлардан иборат бўлган кўп қатламли енгил пардадеворлар орқали товуш ўтиши механизмини излашга эътибор қаратилмаганлиги аниқланган. Амалдаги ҳолат шуни кўрсатадики, кўп қатламли муҳитда товуш тарқалишининг хусусиятларини ўрганиш ва товуш ўтказмаслик хусусиятларга эга пардадеворлар учун самарали конструктив ечимларини ишлаб чиқишдаги кенгроқ илмий изланишларни олиб бориш зарурлиги талаб этилмоқда.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.**

Диссертация тадқиқоти Тошкент архитектура-қурилиш институти, Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги ва “ToshuyjoyLITI” АЖ ўртасида 2018-йил 25-октябрдаги 1286-сонли ҚМҚ 2.01.08-2019 “Шовқиндан ҳимоя” ни ишлаб чиқиш учун тузилган шартнома доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** кўп қатламли енгил тўсиқ конструкцияларнинг товуш ўтказмаслик самарадорлигини ошириш ва уларнинг ҳаводаги шовқин изоляциясини ҳисоблаш усуллари тақомиллаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

кўп қатламли енгил пардадеворлар орқали товуш ўтиш жараёнини тадқиқ қилиш;

лаборатор тажриба, натуравий ва ҳисоблаш тадқиқотлари асосида кўп қатламли енгил тўсиқ конструкцияларнинг ҳаво шовқини изоляциясини частотали тавсифлар орқали аниқлаш;

кўп қатламли енгил тўсиқ конструкцияларнинг ҳаво шовқини изоляциясини ҳисоблаш усулини ишлаб чиқиш;

товуш изоляциясининг самарадор хусусиятларини таъминлайдиган кўп қатламли енгил тўсиқ конструкциялар учун рационал конструктив ечимларини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида кўп қатламли енгил пардадеворлар (ҚКЕП) олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида келтирилган параметр усуллари

асосланган физик ва дискрет моделлар ҳамда муҳандислик ҳисоблаш усулларини ўз ичига олади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Маълум бўлган илмий-техник натижаларни аналитик умумлаштириш, тўсиқ конструкциялар орқали ҳаво шовқини изоляциясини ҳисоблаш, эҳтимоллик назарияси ва математик статистика ҳамда натуравий ва лаборатор тажриба ўлчаш усуллари асосида амалга оширилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

материаллар қатламларининг қалинлиги, мустаҳкамлиги ва биқирлиги хусусиятларига қараб ўрта геометрик учдан бир қисми октавали чизикдаги частоталарда (100-3150 Hz), тўсиқ конструкциядаги қатламларининг резонансли тебранишларининг пайдо бўлиши аниқланган;

ички пардадеворларни лойиҳалашда талаб этиладиган товуш изоляциясини таъминлаш, ҳаводаги шовқин изоляцияси индексининг меъёрий қийматлари билан таққослаш учун натуравий ва лаборатория тажрибалари натижасида 100 дан 3150 Hz гача бўлган частоталар диапазонида кўп қатламли енгил тўсиқ конструкция орқали ҳаводаги шовқин изоляциясининг частотали тавсифлари аниқланган;

товуш ўтишнинг асосий йўллари ва конструктив ечимнинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, кўп қатламли енгил пардадеворларнинг ҳаво шовқини изоляциясини ҳисоблашнинг такомиллаштирилган усули таклиф этилган;

меъёрланадиган частота диапазонида тўсиқнинг товуш ўтказмаслик даражасини оширишга қаратилган пардадевор каркасининг конструктив ечимини ўзгартириш ва уни товуш ютувчи материал билан тўлдириш орқали, кўп қатламли енгил тўсиқ конструкциясини такомиллаштириш имконияти асосланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

товуш ўтказувчанлигининг ҳисоблаш моделлари ва уларнинг юққа қатламлардан иборат бўлган кўп қатламли енгил пардадеворларнинг ҳаво шовқини изоляциясига таъсири аниқланган;

биноларни қуришда енгил кўп қатламли пардадеворлардан фойдаланиш имкониятини кенгайтирилган ҳолда частота диапазонида етарлича ҳаво шовқинининг изоляциясига эга бўлган юққа қатламли тўсиқ конструкцияларнинг тегишли конструктив ечимлари ишлаб чиқилган;

биноларда кўп қатламли енгил тўсиқ конструкцияларнинг ҳаво шовқини изоляциясини ҳисоблаш учун компьютер дастури ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончилиги, замонавий асбоблар ва уларни амалга оширишнинг стандарт усулларидан фойдаланган ҳолда мураккаб акустик тадқиқотлар ўтказилганлиги, назарий ҳисоблар ва экспериментал натижалар ҚМҚ 2.01.08-2019 "Шовқиндан ҳимоя" ва O`zDSt қурилиш меъёрлари ва қоидалари асосида амалга оширилганлиги, тадқиқот натижаларнинг ўзаро мутаносиблиги ва таклиф қилинган ишланмаларни қурилиш амалиётга жорий қилинганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, муҳандислик ҳисоблаш усулларининг бинолардаги ҳар хил турдаги тўсиқ конструкцияларнинг товуш ўтказмаслик даражасини тезда баҳолаш ва ҳисоблаш, шу жумладан

лойиҳалаш босқичида уларнинг самарадорлигини яхшилаш бўйича чора-тадбирлар билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти** шундан иборатки, биноларнинг тўсиқ конструкциялари орқали ҳаво шовқини изоляциясини ҳисоблаш усуллари ва таклиф қилинаётган лойиҳа ечимларини лойиҳалаш жараёнида қурилиш-монтаж ишларининг давомийлигини камайтириш билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Биноларни кўп қатламли енгил тўсиқ конструкцияларини товуш изоляциясини ошириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

тўсиқ конструкцияларни ҳаво шовқинидан изоляциясини ҳисоблашни амалий усули «ToshuyjoyLIT» АЖ да ҚМҚ 2.01.08-2019 “Шовқиндан ҳимоя” меъёрий ҳужжатни янги таҳририни “Тўсиқ конструкцияларни товуш изоляцияси” бўлимида ва Б иловасини ишлаб чиқишда қўлланилган (Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигининг 2020-йил 13-ноябрдаги 09-06/8859 – сонли маълумотномаси). Натижада, ҳисоблаш вақтининг сарфи 25-30 % га қисқартиришга эришилган;

кўп қатламли енгил тўсиқ конструкцияларнинг товуш изоляциясини оширишга йўналтирилган такомиллаштирилган конструктив ечимлари “Ўзоғирсаноатлойтиха” АЖ институтида биноларни лойиҳалашда қўлланилган (Ўзбекистон Республикаси қурилиш вазирлигининг 2020-йил 13-ноябрдаги 09-06/8859 – сонли маълумотномаси), бу қурилишда материал сарфини 19 % ва меҳнат харажатларини 27 % га камайтириш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Диссертация тадқиқотининг асосий натижалари 5 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокама қилинган, хусусан, 2019-йил 27-февраль куни Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан ташкил этилган ёш олимларнинг I республика конференциясида (халқаро миқёсида) "Энг яхши мақола" номинациясида сертификат билан тақдирланган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 22 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 12 та мақола, жумладан, 6 таси республика ва 6 таси хорижий журналларда нашр қилинган. 10 та мақола халқаро ва республика конференцияларидаги маърузалар тўпламларида чоп этилган. Бундан ташқари, монография нашр этилди (Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги академияси кутубхонасида сақланади. 2020-йил 16-декабрда 36/33-2174-сонли маълумотнома берилган). Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигидан ҳисоблаш дастури учун гувоҳнома олинган (DGU 09683-2020) ва фойдали моделга талабнома (FAP 2021-0161) топширилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, атамалар ва 8 та иловадан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 саҳифани ташкил этади, шу жумладан: 57 та расм; 11 та жадвал; адабиётлар рўйхатининг 169 та номларидан иборат.



## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида бажарилган диссертация тадқиқотининг долзарблиги ва зарурати асосланган, мақсад ва вазифалар шакллантирилиб, объект ва предметлари келтирилган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикасида фан ва техника тараққиётининг устувор йўналишларига мувофиқлигини шакллантирилган. Муаммони ўрганганлик даражаси ва Тошкент архитектура-қурилиш институтининг илмий тадқиқот режалари ўртасидаги боғлиқлик, тадқиқот натижаларининг илмий янгилиги ва ишончилиги, олинган натижаларнинг илмий-амалий аҳамияти, уларни бино ва иншоотларда лойиҳалаштириш ва қурилишни амалиётида қўлланилганлиги ҳамда тадқиқот натижаларининг нащри ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **"Кўп қатламли тўсиқ конструкцияларини ҳаво шовқини изоляцияси муаммосининг моҳияти"** номли биринчи бобида илмий тадқиқотларнинг таҳлилий шарҳи берилган.

Ҳозирги вақтда биноларнинг акустик параметрлари асосан ёнма-ён жойлашган хоналарнинг ҳаводаги товуш изоляциясига қўйиладиган талабларни ҳисобга олган ҳолда, ишлаб чиқилган конструктив элементларнинг физик омилига боғлиқдир. Тўлқин узатишда муҳим резонансли ҳодисага эга бўлган диапазон частоталарида кўп қатламли пардадеворларнинг ҳаво орқали ўтадиган шовқин изоляциясини аниқлашнинг ҳеч қандай усули йўқлиги аниқланган.

Адабиётларни таҳлил қилиш натижасида тадқиқот вазифалари аниқланди. Лаборатория тажриба тадқиқотлари билан боғлиқ физик мураккабликларни ҳисобга олган ҳолда, адабиётларда келтирилган таянч моделлардан ташқари аниқ муҳандислик ҳисоблаш усулини ишлаб чиқиш зарурдир. Конструкциянинг резонансли қийматларга эга бўлган юқори частота диапазонлари учун аниқланади. Аналитик шарҳга кўра, кўп қатламли енгил тўсиқ конструкциялардан иборат бўлган пардадеворларнинг товуш тўлқинлари ўтиши учун етарлича имкониятга эга эмас. Шубҳасиз, кўп қатламли деворлар орқали товушни ўтишда, ҳақиқатдан йироқ бўлган оддий нормал тушиш ҳисобига олинади. Паст частотани чизиқли усул билан аниқлаб, чексиз пластина билан солиштирганда қобилят яхшиланди. Бироқ, кўп қатламли конструкциялар учун бир вақтнинг ўзида дифференциал тенгламаларни ечиш қийинлашади. Аниқланишича, қатламлар орасидаги бириктирилган жойларда деформацияларнинг ҳисоб-китобларни инобатга олган ҳолда, товушни узатиш самарадорлигини пасайтиради ва адабиётларда тақлиф қилинган содаллаштирилган формулалар фақат оғир конструкцияларга тегишли бўлади.

Натижада, акустик қўлайликнинг замонавий концепцияси тўлиқ очиб берилган ва улардан фойдаланишнинг эҳтимоли нуқтаи-назаридан келиб чиқиб, ҳар хил турдаги кўп қатламли енгил пардадеворларнинг ҳаво шовқини изоляциясини ҳисоблашнинг мавжуд лойиҳалаш ечимлари ва усулларига

баҳо берилган.

*Ишчи фараз (гипотеза).*

Кўп қатламли енгил конструкцияларининг лойиҳалаш ечимларини ҳисобга олиб, бинонинг акустикасини оширишда дискрет моделларидан фойдаланган ҳолда лойиҳалаш босқичида ҳаво шовқини изоляциясини ҳисоблашнинг амалий усулларидан фойдаланиш мумкин. Замонавий меъёрий усулларга асосланиб ҳаракатчан сақланиш миқдори ва кинетик энергиянинг қонунларидан қўлланиши кўп қирралиги ва соддалиги билан ажралиб туради, натижада конструкцияларнинг товуш изоляциялаш қобилиятини оширади ҳамда самарали конструктив ечим ишлаб чиқишда ва қурилишнинг моддий сарфини камайтиришга имконини беради.

Диссертациянинг **"Кўп қатламли енгил тўсиқ конструкцияларини ҳаво шовқини изоляциясини экспериментал услубда тадқиқ қилиш"** деб номланган иккинчи бобида ҳаводаги шовқин изоляциясини ўлчаш усуллари, кўп қатламли пардеворларнинг товуш изоляциясига акустик тўлқинларнинг таъсири, шунингдек, кўп қатламли элементларининг ҳаво шовқини изоляциясининг частотали тавсифлари батафсил келтирилган.

Кўп қатламли енгил пардадеворлар намуналарининг товуш изоляциясини аниқлашда амалдаги меъёрий ҳужжатлардан фойдаланилган бўлиб, шу жумладан уларнинг асосида Пенза давлат архитектура ва қурилиш университети ва Нижний Новгород Давлат архитектура ва қурилиш муҳандислик университети (Россия Федерацияси) қурилиш акустикаси илмий лабораторияларида тажриба тадқиқотлари ўтказилган. Илмий лабораториялар вертикал ва горизонтал равишда ёнма-ён жойлашган иккита синов хонасидан иборат бўлиб, улардан бири юқори босимли акустик, иккинчиси паст босимли акустик хоналардан иборат бўлган. Тажриба давомида товуш манбаи хонасида ва қабул қилинган товуш хонада диффуз майдонлар билан таъминланган. Акустик тажриба хоналари билвосита товуш узатиш имкониятини истисно қилган ҳолда, бир-биридан ҳажми ва ўлчови бўйича камида 10% га фарқ қилган. Реверберация вақти барча частота диапазонларида камида 0,1 сонияни ташкил этган. Пардадеворлар учун синовдан ўтган конструкция намунасини ўрнатиш учун мўлжалланган майдон 10,66 м<sup>2</sup> ташкил этган. Юқори ва паст даражадаги хоналарнинг максимал ҳажми 260 м<sup>3</sup> дан ошмаган. Биринчи ўлчов натижаси 26 дақиқани, кейинчалик эса реверберация вақтини ўлчашни талаб қилмаганлиги сабабли, ўртача 15 дақиқа давом этган. Октава товуш босими даражаси Экофизика-110А ва Экофизика-111В шовқин ўлчагич асбоблари билан аниқланган.

3 та асосий нуктада 1 манбали юқори хонадаги товуш босими даражаси (ТБД) ўлчанган. Товуш босимининг минимал қиймати ўртача 63 dB дан паст бўлмаган ҳолда, 630 Hz частотадаги максимал қиймат 85 dB ни ташкил этган. 2 та манбага эга юқори даражали хонада товуш босими даражаси 3 асосий нуктада ўлчанган. 125 Hz частотада биринчи ва иккинчи ўлчов нукталарида минимал товуш босими қийматлари 61-62 dB оралиғида, 630 Hz частотада биринчи нуктанинг максимал қиймати 77 dB га, учинчи нуктада эса товуш

босими 81 dB ни ташкил этган. 1 манбали паст даражадаги хонада товуш босими даражаси 3 асосий нуқтада ўлчанган.

Минимал товуш босими қийматлари биринчи ўлчаш нуқтасида 100 Hz частотада 28,5 dB атрофида бўлган, иккинчи нуқтада ва учинчи нуқтада эса 31 ва 29 dB ни ташкил этган. Максимал қиймат биринчи нуқтада 3150 Hz частотада 19 dB га эди, иккинчи ва учинчи нуқталарда товуш босими даражаси мос равишда 36-37 dB ни ташкил этган. Юқори даражадаги фон шовқини 125 Hz частотада қайд этилган, унинг қиймати 58 dB ташкил этган. Шовқиннинг энг паст даражаси 100 Hz частотада кузатилган ва унинг қиймати 22 dB ни ташкил этган. Паст даражали хонадаги реверберация вақти ўртача 0,44 сонияни ташкил этди. Шунингдек, 1 чи ташқи шовқин манбасида товуш босими даражасини ва 2 чи манбада ташқи шовқиннинг товуш босими даражасини акустик ўлчаш учун қулай натижаларга эришилган.

Аниқланишича, товуш тўлқини нормал ҳолатда тушганда, унинг частотаси монотоник равишда ошади, лекин бошқа барча бурчак бурчакларида частоталарнинг кескин пасайиши кузатилади. Тадбиқ қилинишича, товушни юқори чегарали частотали енгил қатламига ўтказишда товуш самарадорлиги пасаяди ва кейинчалик товуш изоляцияси сезиларли даражада яхшиланади.

Пардадеворлар қатламларининг физик-механик параметрларининг ҳаво товушини изоляциясига таъсири ўрганилган. Қатламларнинг қалинлиги ва параметрларига қараб, маълум частоталарда резонанс тебранишлари аниқланган.

Диссертация ишида қўйилган вазифаларга кўра, кўп қатламли енгил пардадеворларнинг товуш изоляцияси сифатларини қиёсий таҳлилни ўтказиш учун 100 дан 3150 Hz гача нормаллаштирилган частота диапазонида 6 та намунадаги ҳаво шовқин изоляциясининг частотали тавсифлари аниқланган.

Ушбу натижалар ҚМҚ 2.01.08-19 да берилган услуб бўйича тажриба, натуравий ва ҳисоблаш тадқиқотлари асосида аниқланган. Шу тариқа, товушнинг мёърий ҳолатини таъминлаш учун пардадеворларнинг 6 та намунасида 3 та намунаси ишлаб чиқарувчиларнинг кўрсатмаларига (ИЧК) биноан ўрнатилган. Жумладан, намуналар натижалари қуйидаги қийматларга эга бўлган: намуна № 1  $R_w = 42$  dB; № 2  $R_w = 51$  dB; № 3  $R_w = 58$  dB. Тўсиқ конструкцияларнинг қолган 3 та намунаси биз таклиф қилинган ечимлар (ТҚЭ) асосида ўрнатилган. Жумладан, намуналар натижалари қуйидаги қийматларга эга бўлган: намуна № 1  $R_w = 52$  dB; № 2  $R_w = 56$  dB; № 3  $R_w = 60$  dB.

Лабораториядаги тажриба ва натуравий тадқиқотлари асосида 5 дан 20 dB оралиғида 100 Hz дан 250 Hz гача бўлган частоталарда кўп қатламли конструкцияларни учун мўлжалланган ҳисоблаш усулларида сезиларли даражада фарқ қилган. Товушнинг пардевор четидан ўтиши, товуш ёнма-ён хоналар ўртасида жойлашган кўп қатламли пардевор орқали эмас, балки бошқа йўллар билан ўтишини билдиради. Натижада, товушларни натуравий

шароитда икки хона орасидаги қатламлар четлари бўйлаб ўтиши ҳам қатламларнинг бир-бирига боғлиқдир.

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, товушнинг бир томонидаги майдонинг ошиши сайин, товуш ўтказувчанлик қиймати сезиларли даражада камаяди. Конструкцияларда ишлатиладиган материал параметрлари ҳисобланган товуш изоляция индексига сезиларли даражада таъсир қилиши мумкин. Оптимал ҳисоблаш аниқлигига эришиш учун қатламнинг ўлчовларни бажариш ва хусусиятларга қўйиладиган барча талабларга риоя қилиш зарур. Агар бундай ўлчовларга имконият бўлмаса, товуш изоляцияси индексини юқори баҳоламаслик учун ҳисоблашда ўртача қийматларни ишлатиш мақсадга мувофиқдир. Кўп қатламли енгил тўсиқ конструкциялар учун ҳар хил турдаги бирикишларни ҳисоблаш методикаси товуш изоляцияси индексини қийматларини беради, лекин кўп қийматлар ишончсиз маълумотларга эгадир. Ишончли манба маълумотларнинг йўқлиги, бу тадқиқотда ўтказилган ҳисоблашнинг тўғрилигини бироз чеклаб қўйган. Бироқ, намуналарнинг икки хона ўртасидаги ҳаво товушини ўтказмаслиги кутилган натижаларни бераётганлиги аниқланган.


Таклиф қилинаётган пардеворларнинг конструктив ечимлари товуш изоляциясини ўлчанган ва ҳисобланган қийматлари юқори частота диапазони оралиғидаги фарқ 2-3 dB ни ташкил этиб, олинган натижалар аниқлиги билан ажралиб туради. Шундай қилиб, намуналарнинг частотали тавсифлари экспериментал ва натуравий тадқиқотларга асосланган ҳолда, товуш изоляцияси нафақат оралиқ бўлинишга, балки товуш манбасининг эгри ўтиши, шу жумладан мавжуд бўлган ёриқлар ва турли таъсир қилувчи омиллар билан боғлиқлиги аниқланган.

Диссертациянинг **“Товуш ўтишнинг назарий асослари ва кўп қатламли енгил тўсиқ конструкцияларини ҳаво шовқинидан изоляциялаш усуллари”** деб номланган учинчи бобида товуш ўтишнинг ҳисоблаш моделлари ва ҳаво шовқини изоляциясини ҳисоблашнинг муҳандислик усуллари таҳлил қилинган. Шу билан биргаликда, ҳаводаги шовқин изоляциясини ҳисоблаш учун автоматлаштирилган дастур ишлаб чиқилган ва товуш ўтказмайдиган кўп қатламли енгил пардадеворларнинг такомиллаштирилган конструктив ечимлари келтирилган.

Келтирилган моделлар параметрлари асосида кўп қатламли енгил конструкцияларда товуш изоляцияси учун аниқ ҳисоблашни таъминлайдиган дискрет элементларидан иборат бўлган физикавий моделларнинг фазовий тақсимланишини аниқлаштирилган. Товушни бир қатлам орқали ўтишда чегаравий частотасида пасайишга эга бўлган изоляцияси икки қатлам орасида ҳар хил чегаравий частоталар билан тавсифланади, шу жумладан бир хил пасайиш кўп қатламли енгил конструкцияларда кузатилган.

Ҳисоблаш моделларини яратиш учун ҳаво шовқини идеал ўтишини бирлаштирилган ҳолда, масса ва эгилувчанлик ҳолатлари билан келтирилган параметр усули қўлланилган. Тўлқин ва тебраниш частотаси турига қараб

масса, эластиклик ва камайтирилган массанинг элементар моделларининг комбинацияси жисмлар ёки муҳит чегаралари орқали товуш ўтишининг ҳисоблаш моделларини ҳосил қилган.



**1-расм. Товушнинг кўп қатламли енгил пардевор орқали ёнма-ён хонага ўтишининг асосий йўллари**

металл каркаسدан, сўнгра иккинчи томондан 12,5 мм қопламали икки қатламдан ўтган. Иккинчи йўл бўйлаб товуш енгил элементнинг икки қатлампдан ўтиб, сўнгра каркас қатлампдан ўтиб, тебраниш майдонини яратган бўлиб, конструкцияни тебратган, шундан сўнг икки қатламдан ўтган.

Товуш ўтишининг учинчи йўли бу товушни ютувчи материал орқали қўшни горизонтал устун профилдан ва массив қатлам орасидан ўтиб, сўнгра қопламанинг икки қатлампдан ўтган. Ўшбу тадқиқотда товуш йўли асосида қўлланиладиган ҳисоблаш схемалари ва физик моделлар аниқланган ва 1-жадвалда кўрсатилган. Камайган массалар эластик элементлар билан биргаликда тебранувчи тизимларни ҳосил қилади. Агар бирлаштирилган жисмлар қаратилган ёки келтирилган массалар тизими билан ифодаланган бўлса, у ҳолда ҳаракатнинг ўтиш энергияни сақлаш тенгламалари билан тасвирланади.

"Келтирилган масса" усулнинг моделларидан фойдаланишда кўп қатламли енгил тўсиқ конструкциянинг ҳар бир элементи учун товушни ўтиши ва акс эттириш коэффициентларини ҳисоблаш масалаларини имкониятларини кенгайтирган. Тадқиқот давомида, қатламлардаги тўлқинлар унинг атрофидаги қалинлигида акустик тўлқин билан боғлиқлиги аниқланган.

Товуш ўтишининг барча қатламлардаги қалинлигининг параметрларини ҳисобга олган ҳолда, енгил кўп қатламли пардадеворларининг ҳаво товуши изоляциясини ҳисоблаш учун муҳандислик усуллари таклиф қилинган.

Пардевор қатламларига тўлқин тушган пайтда,  $f \leq f_{\text{чег}}$  частоталарда тебранишлар кўзғалади, шундан сўнг ҳаракат ҳар бир кетма-кет қатламга

Натуравий ва экспериментал тажриба тадқиқотлари ёрдамида кўп қатламли енгил пардадевор орқали қўшни хонага ўтишининг асосий йўллари аниқланган.

1-расмда қўшни хонага кўп қатламли енгил пардевор орқали экспериментал тажриба ва натур тадқиқотлари орқали аниқланган асосий ўтиш йўллари кўрсатилган.

Мисол тариқасида, 1-сонли ИЧК намуна кўриб чиқилган. Биринчи йўлда, товуш 12,5 мм қопламанинг икки қатлампдан иборат, улар орасидаги товуш ўтказмайдиган қатламдан,

узатилади. Шунингдек, резонанслар учун  $R_{\Delta}$  dB тузатиш билан оғирлик қонунига бўйсунадиган товуш изоляциясининг хусусиятини белгилайди.

1–жадвал

### Кўп қатламли енгил пардеворда товуш ўтишининг схемалари ва ҳисоблаш моделлари

Товушнинг ўтиш йўли	Ҳисоблаш схемаси	Физикавий модел
I		
II		
III		

Шу тариқа, резонансли частоталар ҳудудларида тебранишларни бостириш жараёни содир бўлади, яъни нотўғри тебраниш мезонлари ҳисоблаш жараёнларига катта ноаниқликларни олиб келади. Пардадеворнинг ҳар бир томонидаги икки қаватли қатламлар учун тавсия этилган усул бўйича ҳисоблаш қуйидаги кўринишда ифода бўлади:

I-йўл бўйлаб умумий изоляция имконияти қуйидагича:

$$R_I = R_1 + R_2; \quad (1)$$

Товушнинг катта ва кичик бурчакларидаги кесиш частоталаридан юқори  $f > (f_{\text{чег.1}} \div f_{\text{чег.2}})$  частоталарда тўлқин тасодифан содир бўлади. Товуш тўлқинининг қулаши бир вақтнинг ўзида иккита тўлқинни кўзғатади: бири конструкцияда, иккинчиси конструкция ортидаги муҳитда содир бўлади. Бунда, ҳаракатнинг барча қатламлар орқали товуш узатилишининг "давойимийлиги" оғироқ қатлам массаси ҳисобига олинади.

Товуш изоляцияси қуйидаги кўринишда акс этади:

$$R = 10 \lg \frac{1}{g} = 20 \lg \frac{m_c f}{2 \pi f_c}; \quad (2)$$

$f < f_{\text{рез.}}$  да частота диапазони табиий частотанинг чегарасини ифода қилади. Изоляция қийматдан 6 dB га камаяди.

Тўлқин ҳаракати тўлдирилган бўшлиқда ўзини намоён қиладиган  $f \geq$

$f_{\text{чек}}$  частоталарида, ҳисоблаш модели камайтирилган массаларнинг кетма-кет корреляциясидан иборат. Товуш изоляцияси алоҳида бўғинларнинг йиғиндиси сифатида белгиланади.

$$R = R_1 + R_2 + R_3; \quad (3)$$

Бироқ,  $f > f_{\text{рез}}$  частоталарида, изоляция қиймати қўшимча товуш узатиш йўллари билан аниқланади (II ва III йўллар 1-расм, 1-жадвал). Шундай қилиб, товушнинг ўтиши конструкция каркасининг бириктирмаси орқали содир бўлади.

Изоляция қиймати қуйидаги формулалар билан белгиланади:

$$R_{c1} = R_1 + \Delta R_{\text{бр}}; \quad (4)$$

$$R_{c2} = R_3 + \Delta R_{\text{бр}} \quad (5)$$

бу ерда,  $R_1$  – конструкциянинг янада массив қатламини изоляцияси;

$R_3$  – ёнма-ён бўлган боғлама конструкциянинг (деворлар ёки полларни) изоляцияси;

$\Delta R_{\text{бр}}$  – тўсикнинг бирикиш жойи изоляцияси қатлам билан туташишда чизиқли аппроксимацияни ҳисобга олган ҳолда, қуйидаги ифода  $h_1 / h_4$  ёки  $h_4 / h_1$  нисбатидан олинади. Якуний ҳисоб натижалари энг кичик изоляция қиймати  $R_{c1}$  ва  $R_{c2}$  (5) қийматларидан олинади. Тавсия этилган усул бўйича ҳисоблаш, ҳар хил қалинликдаги бир неча қатламлардан ташкил топган ва чегаравий частоталарига қадар ва ундан кейин ҳудудлардаги товуш ўтказувчи пардеворнинг кўп қатламлари учун тахминий усуллар билан амалга оширилади. Паст частоталарда охириги қатлам катталиги юқори қийматларга олиб келади.

Агар қатламлар маҳкам бириктирилган бўлса, улар эгри ҳаракатлар пайтида бир-бирининг устига силжиши мумкин. Бундай ҳолда, тебраниш частотаси паст частоталар томон силжимади. Қатламлар орасидаги ишқаланиш қўшимча энергия йўқотилишига олиб келиши мумкин.

Ҳисоблаш ва ўлчаш ўртасидаги фарқ асосан чекланган частоталар оралиғида бўлади. Бироқ, якуний ҳисобланган  $f_i$  қиймати ўлчанган қийматдан атиги 1-2 dB фарқ қилади. Бу амалда осон тушунтирилади: агар элементлар қатламлари ҳар хил қалинликка эга бўлса ва биринчи чўкишнинг частоталари сезиларли частота диапазонида ифодаланади. Иккала томоннинг тебранишининг бир хил частотаси изоляциянинг эгилиш чизиғининг бир қатламли пардеворга нисбатан пасайишига олиб келади. Агар, аксинча, тебраниш частоталари бир октавада бир-биридан жуда фарқ қилса, охир - оқибат элементларнинг қолган қатламларида тушиш мувозанатига эга бўлиши керак.

Частота диапазонининг қиймати қуйидагича аниқланади, бу ерда  $f < f_{\text{рез}}$ :

$$R_2 = 20 \lg((m_{(I)1\text{HT}2\text{MT}} + m_{(I)3\text{HT}4\text{MT}}) + (m_{(II)1\text{HT}2\text{MT}} + m_{(II)3\text{HT}4\text{MT}}) + 20 \lg f_{\text{рез}} - 24\text{dB}; \quad (6)$$

Товуш ўтказмайдиган бўшлиқдаги резонанс  $f_{рез}$  dB қуйидаги қийматга тенг:

$$f_{рез.} = 75 \sqrt{\frac{(m_{(I)1HT2MT} + m_{(I)3HT4MT}) + (m_{(II)1HT2MT} + m_{(II)3HT4MT})}{g(m_{(I)1HT2MT} * m_{(I)3HT4MT}) * (m_{(II)1HT2MT} * m_{(II)3HT4MT})}} \text{ Hz}; \quad (7)$$

частота диапазони учун, бу ерда  $f_{рез.} < f_{c1}$  қуйидаги кўринишга эга:

$$R = (R_1 + R_2) + 20 \lg (f * g) - 48; \quad (8)$$

мос равишда частота диапазони учун, бу ерда  $f_{c1} < f$ :

$$R_{c1} = R_1 + R_2 + 6; \quad (9)$$

частота диапазони учун  $f_{c1} < f < f_{c2}$ :

$$R = R_1 + R_2 - 4; \quad (10)$$

чекланган частотадан кейин  $f_{c2} > f$  қиймати қуйидаги кўринишга эга:

$$R_{c2} = R_1 + R_2 + R_3 - \Delta R_{рез.}; \quad (11)$$

бу ерда,  $R_1, R_2, R_3$ -ҳар бир қатламнинг ҳаво товушини изоляцияси;  
 $\Delta R_{рез.}$  - резонансларда изоляциянинг камайиши.

Охирги ҳисобланиш натижаси сифатида ҳаво шовқини изоляциясининг энг кичик натижаси олинади. Ишлаб чиқилган "Кўп қатламли энгил тўсиқ конструкциялар ва биноларнинг ҳаво товуши изоляциясини автоматик ҳисоблаш дастури" кўп қатламли энгил тўсўвчи конструкцияларнинг ҳаво шовқини изоляцияси индексини ҳонадонларда, меҳмонхоналарда, офис биноларидаги хоналарда ва мактаблардаги синфларда, шунингдек тиббиёт муассасаларида аниқлаш учун қўлланилади.

Ушбу дастур ёрдамида товуш изоляциясини ҳисоблашда, тўсиқ конструкцияларнинг барча элементлари ҳисобга олинади, улар хоналар орасидаги аниқ вазиятга мос келади. Ҳисоб-китоблар ҚМҚ 01-08-2019 “Шовқиндан ҳимоя” товуш изоляциясини ҳисоблашнинг тавсия этилган усули, ҳамда нашр этилган илмий ишлар натижаларига асосланган. Дастурнинг функционал имкониятлари лойиҳалаш босқичида энг мақбул бўлган тўсиқ конструкция танлашда ва ҳисоблашнинг мураккаблигини 35-40 % га камайтиришга имконини берган. Товуш изоляциясига қарши кўп қатламли энгил пардадеворлар учун конструктив эчимларини ишлаб чиқиш бўйича тадқиқотлар олиб борилди ва хоналарнинг акустик қулайлигини таъминлаш учун инновацион эчимлар таклиф қилинган.

Амалий ва иқтисодий сабабларга кўра, 180 мм дан ошмайдиган пардеворларнинг умумий қалинлиги ҳисобга олинган. ҚҚЕП товуш




изоляцияси ва акустик қулайлиги учун юқори талабларга жавоб берадиган хоналарда фойдаланиш учун тавсия этилади. Пардадеворларни такомиллаштириш услуги асосида товуш изоляциясини назарий, экспериментал ва натуравий ўрганишдан иборат. Пардадеворнинг барча қатламлари Ўзбекистон Республикасининг қурилиш меъёрий ҳужжатларида кўрсатилган техник талабларга жавоб беради.

Техник натижада пардадеворнинг барча элементларининг мураккаб ўзаро таъсири туфайли товуш ўтказмаслик қобилиятини ошириш ва бинога таъсир қиладиган қўшимча юкни енгиллаштиришдан иборатдир.

Қуйилган вазифа хонадаги ҳаво товушини пасайтириш учун пардевор элементлари, хусусан, устун профил ва унинг шахмат тартибидаги жойлашув усуллари таклиф қилинганлиги билан ҳал қилинади.

